

## Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2021 йил январь ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Н.Ишмурадовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Омонов, тарафлардан Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Каримов, судланувчи Х.Раупов ва унинг ҳимоячиси адвокатлар А.Бабаджанов ва Ф.Умаров ҳамда жабрланувчи А.Раджабовнинг иштирокида, судланувчи Раупов Хамза Назаровичга нисбатан 1-1801-2003/300 сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Раупов Хамза Назарович (Raupov Xamza Nazarovich),** 1974 йил 23 октябрда Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, мукаддам:

**1.** Сурхондарё вилояти Термиз ҳарбий гарнизон суднинг 1996 йил 20 март кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 285-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва 104-моддаси 3-қисмининг “д” банди билан 15 йил муддатга озодикдан маҳрум қилиш жазосига судланган, 2001 йил 30 июнь куни ЖКнинг 74-моддасига асосан, ўталмай қолган 2 йил 8 ой 17 кун озодикдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, 2001 йил 22 август куни амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;

**2.** Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2002 йил 2 ноябрь кунидаги ҳукмига кўра, ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2004 йил 25 август кунидаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан, муддатидан илгари шартли озод қилинган;

**3.** Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2007 йил 26 октябр кунидаги ҳукмига кўра, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, судланганлиги ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз, Қарши шаҳри, “Кат” МФЙ, Усмон Носир кўчаси, 15-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида 2020 йил 7 августдан камоққа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 9 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.



Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Раупов Хамза Назарович 2020 йил 6 август куни Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан ДХХ вилоят бўйича бошқармаси ва вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида танишлари орқали “ўқув маркази” куриш учун Қарши шаҳридаги “Орзу буюм бозори” рўпарасидан 0.04 гектар ер майдони ажратиб бериши эвазига фуқаро А.Раджабовдан 10.000 АҚШ доллари талаб қилиб келиб, унинг ишончига кириб, мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ва мулкий манфаатдор этиш яъни пора беришга далолат қилиб, талаб қилинган кўп миқдордаги (06.08.2020 йил ҳолтига 1 АҚШ доллорининг қиймати 10.209 сўм, 10.000 АҚШ доллари 102 млн 90 минг сўм) пулнинг бир қисми бўлган, кимёвий ишлов берилган 4500 АҚШ доллар (06.08.2020 йил ҳолтига 1 АҚШ доллорининг қиймати 10.209 сўм, 4500 АҚШ доллари 45 млн 940 минг 500 сўм) пулларни соат 18:40 ларда Қарши шаҳридаги “Версал” тўйхонаси ёнида турмуш ўртоғи Н.Суннатовга тегишли бўлган 70 В 021 QA давлат рақамли, “Трекер” русумли автомашинаси салоида олиб, воқеа жойидан номаълум томонга яширинган.

Шундан сўнг, Х.Н.Раупов 2020 йил 7 август куни соат 00:48 ларда ўз ихтиёри билан Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармасига келиб, Қарши шаҳридаги “Орзу буюм бозори” рўпарасидан 0.04 гектар ер майдони ажратиш ҳақида Қарши шаҳар ҳокимининг қарорини чиқариб бериши эвазига А.Раджабовдан талаб қилган 10.000 АҚШ долларининг бир қисми бўлган, кимёвий ишлов берилган 4500 АҚШ долларини тақдим қилган.

Судланувчи Х.Раупов бу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 25,28,211-моддаси 2-қисмининг “б” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этган.

Судланувчи Х.Раупов судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, Раджабов Акмал унга тахминан июнь ойларида телефон қилиб, бизнес қилмоқчилигини спорт зал куриши кераклигини айтганини, ундан қаердан “ер керак” деб сўраганида Раджабов Акмал унга "Орзу" бозори ёнидан зал куриши кераклигини, шунинг учун ер олиши кераклигини билдирганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, Раджабов Акмал унга яна кўнғироқ қилиб ер сўраганлигини, шунда у Раджабов Акмал билан кўришиб, Акмалга эски “Мол бозори”нинг олдидан ер кўрсатганлигини, Акмал унга ушбу ер



бўлмаслигини билдириб, телефонидан Қарши шаҳрининг харитасини очиб, унга “Орзу бозори”нинг рўпарасидаги ер майдонини кўрсатиб, ушбу ерни олиб бериши эвазига 10.000 АҚШ доллари беришни айтганлигини, ўша вақтда карантин бўлганлиги ва моддий жиҳатдан қийналиб қолганлиги сабабли, у Раджабов Акмалнинг таклифига рози бўлганлигини, аслида эса Раджабов Акмалга ер олиб бериш нияти бўлмаганлигини, 2020 йил 6 август куни Раджабов Акмал унга қўнғироқ қилиб "Ерқўрғон" бозорига келишини сўраганлигини, келишилган пулни ярмини беринини айтганлигини, шундан сўнг, у турмуш ўртоғига тегишли “Трекер” русумли автомашинада борганлигини, йўлда ўзига таниш бўлган Нурбек ва Илхом исмли танишларини Қарши шаҳар ҳокимияти олдидаги давлат хизматлари марказининг олдидан олганлигини, "Ерқўрғон" бозорига бориб Акмални машинасига миндириб, "Узуннаво" кишлоғига борганлигини у ердан кейин шаҳарнинг турли жойларига бориб охири "Фарҳод" бозори олдига бориб тўхтаганлигини, шунда Раджабов Акмал ёнида 4500 АҚШ доллар пули борлигини, 500 АҚШ долларни кун ботишида паспорти билан бирга беришини айтганлигини, қолган 5000 АҚШ долларини ерни олиб берганидан сўнг олишга келишганлигини, Ражабов Акмал унга пулларни берганидан сўнг, у Раджабов Акмалдан 4500 АҚШ доллар пулни олганлигини ва 30.08.2020 йилда қайтаришини айтиб тилхат ёзиб берганлигини, Акмал машинадан тушганидан сўнг, унинг машинасига қараб уч-тўрт киши келаётганлигини кўриб, машинасини ҳайдаб у ердан қочиб кетганлигини, шундан сўнг, қилган иши жиноят эканлигини билиб, ўз хоҳиши билан Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармасига бориб Акмалдан олган пулларни департамент ходимларига топширганлигини, Раджабов Акмал дастлаб унга телефон қилганида телефон рақамини Хуршид деган танишидан олганлигини айтганини, Хуршид деган одамни танимаслигини, аслида Ражабов Акмалга ер олиб бериш нияти бўлмаганлигини, Ражабов Акмални ишонтириш мақсадида “танишимлари орқали ер олиб бераман” деб айтганлигини, лекин Акмалга Қарши шаҳар ҳокимлиги ёки Қарши шаҳар архитектура бўлимида ишловчи танишлари борлиги, улар орқали ер олиб беришини айтмаганлигини, илгари ҳокимиятнинг ер олди-сотдиси билан боғлиқ бирор-бир ишига аралашмаганлигини, Қарши шаҳар Архитектура бўлимида, Ер ресурслари давлат кадастр хизматлари бўлимида ёки Қарши шаҳар ҳокимлигида расмий ҳам норасмий ҳам ишламаганлигини, Қарши шаҳар архитектура бўлимида ишга кириш мақсадида бир неча маротаба борганлигини, лекин дипломи йўқлиги сабабли, уни ишга қабул қилишмаганлигини, Қарши шаҳар архитектура бўлими архиви тартибсиз бўлиб, департаментга бориб пулларни топширганидан сўнг, департамент ходимлари унга иқрорлик аризаси намунасини ёзиб бериб, ушбу намунадагидек иқрорлик аризаси ёзиб беришини айтишганлигини, департамент ходимлари уни қўйиб юборишларини билдиришганидан сўнг, иқрорлик аризасини ўз хоҳиши



билан ёзиб берганлигини, унга департамент ходимлари тазйик ўтказмаганлигини билдириб, ўзига нисбатан энгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи Х.Раупов айбига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берса-да, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги қуйидаги далиллар билан, яъни:

-жабрланувчи Раджабов Акмал судда, 2020 йил май ойларида Қарши шаҳар ҳокимлиги ичидаги нотариусга автомашина олди сотди қилиш учун борганида, Раупов Хамза билан танишиб қолганлигини, нотариусга ишлайдиган таниши Нурбекдан Х.Рауповни кимлигини сўраганида Нурбек унга Х.Рауповни ер олди сотди ишлари билан шуғулланиб юришини айтганлигини, шундан сўнг, Нурбекдан Раупов Хамзанинг телефон рақамини олганлигини, орадан 2-3 ойлар ўтганидан сўнг Раупов Хамзага кўнғироқ қилиб, ўзини таништириб, ер олиши кераклигини айтганлигини, Раупов Хамза унга Қарши шаҳрининг эски мол бозори ёнига келишини сўраганлигини, у Раупов Хамза айтган жойга борганида Раупов Хамза ўзининг "Тракер" автомашинасида келиб турганлигини, шунда, Раупов Хамза унга завурни олдидан ерларни кўрсатиб, 7000 АҚШ доллари бўлишини айтганлигини, у унга "бу ерлар менга тўғри келмайди, менга шаҳарнинг марказидан ер керак сабаби мен у ерга "спорт зал ва ўқув маркази очаман" деб айтганлигини, шундан сўнг, Раупов Хамза унга Қарши шаҳридаги "Орзу" бозори олдидаги ерни кўрсатганлигини, ер шаҳарнинг ўртасида бўлганлиги сабабли унга маъқул бўлганлигини, Раупов Хамза унга бу ернинг нархи 10.000 АҚШ доллари эканлигини, танишлари орқали ушбу ерни олиб беришини айтганлигини, шундан сўнг у Раупов Хамзага ота-онаси билан гаплашиб натижаси ҳақида айтишини билдирганлигини, Раупов Хамза унга шаҳар марказидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ер участкаси олиб беришини билдирган сўзларига шубҳаланганлиги сабабли, суриштириб кўриб, бу ҳолат ноқонуний эканлигини англаган ҳолда 2020 йилнинг 6 август куни Раупов Хамзага нисбатан қонуний чора кўрилиши учун ДХХ Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганлигини, шундан сўнг, тезкор тадбир ўтказилиб, унга Раупов Хамзага бериш учун 4500 АҚШ доллари миқдоридаги кимёвий ишлов берилган пулларни беришганлигини, шунингдек, унга Х.Раупов билан ўрталарида бўладиган суҳбат жараёнини ёзиб олиш учун диктофон ҳам тақдим қилишганлигини, у тезкор ходимлар кузатуви остида "Ерқўрғон озик-овқат дехқон бозори" томон бориб, у ердан Х.Рауповга кўнғироқ қилиб, пулларни олиб келганлигини, уни "Ерқўрғон" бозорининг олдида турганлигини айтганлигини, бироздан сўнг, Раупов Хамза ўзининг автомашинаси билан унинг ёнига келганлигини, у автомашинага чиққанида автомашина саломида унга нотаниш бўлган икки нафар шахс борлигини, у машинага ўтирганидан сўнг, Х.Раупов транспорт воситасини "Ерқўрғон" бозоридан Косон тумани томон бошқариб кетганлигини, сўнг, яна "Ерқўрғон" бозорига қайтиб



келганлигини, шундан сўнг “Версал” тўйхонаси томон автомашинани бошқариб бориб, “Версал” тўйхонасининг рўпарасига келиб тўхтагач, унга ёнида ўтирган шахсни кўрсатиб, “пулни Нурбекка бер” деб айтганлигини, у 4500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни Х.Рауповнинг гапига кўра “Нурбек” исмли йигитга берганлигини, Х.Раупов эса унга 4500 АҚШ доллари миқдорида қарз олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, шундан сўнг, у Х.Рауповнинг машинасидан “Фарход” бозорининг рўпарасида тушиб қолиб, тезкор тадбир иштирокчиларига Х.Рауповга 4500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни берганлиги ҳақида олдиндан келишилган ишорани берганлигини, у машинадан тушиши билан тезкор ходимлар яқинлашганлигини кўрган Х.Раупов машинасини катта тезликда ҳаракатлантириб, ноъмалум томонга кетиб қолганлигини, эртаси куни Х.Рауповнинг ўзи Департаментнинг вилоят бошқармасига келиб, ундан олган 4500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни Департамент ходимларига тақдим қилиб, айбига иқрорлик ҳақида ариза ёзиб берганлигини эшитганлигини, Раупов Хамза унга шаҳар ҳокимлиги ёки архитектура бўлимида ишловчи одамлар орқали ер олиб беришини айтмаганлигини, Раупов Хамза унга фақат, “танишларим орқали ер олиб бераман” деб айтганлигини, Раупов Хамза унга ер олиб беришни Қарши шаҳар архитектура бўлими олдида айтганлиги сабабли, у “Раупов Хамзанинг танишлари Қарши шаҳар архитектура бўлимида ишласа керак” деб тушунганлигини, у Раупов Хамзага телефоннинг харитасидан “Орзу бозори”нинг рўпарасидаги ерни кўрсатмаганлигини, Раупов Хамзанинг ўзи уни “Орзу бозори”нинг ёнига чақириб, ерни кўрсатиб, нархини 10.000 АҚШ доллари бўлишини айтганлигини, ушбу ҳолат юзасидан унга Раупов Хамза томонидан бирор бир моддий ёки маънавий зарар етказилмаганлигини, шу сабабли Раупов Хамзага нисбатан даъвоси йўқлигини билдирган кўрсатуви;

-гувоҳ Аннаев Сардор судда, 2020 йил 6 август куни ҳамкасби Тўлаганов Улуғбек Норменгович билан биргаликда Қарши шаҳар ҳудудида ўз шахсий ишлари билан юрган вақтида уларнинг ёнига 2-3 нафар нотаниш шахслар келиб, ўзларини Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармасининг ходими эканликларини айтиб, ўзлари томонидан ўтказиладиган тезкор тадбирда холис сифатида иштирок этишни сўрашганлигини, у рози бўлиб улар билан биргаликда Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармасининг маъмурий биноси келишганлигини, у ерда уларга фуқаро А.Ражабовнинг аризасини ўқиб беришиб, шу аризага асосан тезкор тадбир ўтказилишини айтишганлигини, сўнг, департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан 45 донга 100 АҚШ доллари купюрасидаги жами 4500 АҚШ доллари ажратилиб, ушбу пулларга мутахассис томонидан кимёвий ишлов берилганлигини, ушбу пуллар Ражабов Акмалга берилганлигини, шунингдек, А.Ражабовга Х.Раупов билан ўрталарида бўлиб ўтадиган суҳбатларни ёзиб олиш учун овоз ёзиш



мосламаси тақдим этилганлигини, шундан сўнг, ариза муаллифи А.Ражабов ўзининг кўл телефонидан С.Рауповнинг кўл телефониغا кўнғироқ қилиб, соат тахминан 18:00лар атрофида Қарши шаҳридаги “Еркўрғон” деҳқон бозори худудида учрашишга келишиб олишганлигини, шундан сўнг, соат тахминан 18:00лар атрофида тезкор ходимлар билан бирга “Еркўрғон” деҳқон бозори олдига бориб ариза муаллифининг хатти-ҳаракатларини кузатиб туришганлигини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг давлат рақами 70 В 021 QA “Трекер” автомашинасида судланувчи Х.Раупов келиб, А.Ражабовни миндириб, Қарши-Косон йўналиши бўйлаб ҳаракатланганлигини, улар ҳам тезкор ходимлар билан биргаликда уларнинг ортидан ҳаракатланиб кузатишганлигини, Х.Раупов ўзининг машинасида Қарши тумани “Узуннаво” МФЙ томонига бурилиб 1 км. юрганидан сўнг яна қайрилиб ортга қайтиб Қарши шаҳридаги Фарҳод савдо комплекс рўпарасидаги “Версал” тўйхонаси ёнида жойлашган катта йўл четида тўхтаганлигини, шундан сўнг, А.Ражабов машинадан тушиб, олдиндан келишилган ишорани кўрсатганлигини, сўнг, тадбирдаги тезкор ходимлар билан биргаликда Х.Рауповнинг автомашинаси томонга боришаётганларида Х.Раупов ўзининг машинасида ҳаракатланишни бошлаб номаълум томонга қараб ҳаракатланиб воқеа жойидан қочиб кетганлигини, тезкор ходимлар билан бирга Х.Рауповнинг ортидан кузатиш имкони бўлмаганлиги сабабли Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармасига қайтиб келишганлигини, шундан сўнг, тезкор ходимлар томонидан бўлиб ўтган воқеа юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилаётган вақтда Х.Раупов Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармасига ўз ихтиёри билан келиб, тезкор ходимларга 4500 АҚШ долларини тақдим қилганлигини билдирган кўрсатуви;

-гувоҳ Чориев Жасур судда, ҳозирки кунда Қашқадарё вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида мутахассис вазифасида ишлашини, 2019 йилнинг ноябрь ойидан 2020 йилнинг сентябрь ойига қадар Қарши шаҳар Қурилиш бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаганлигини, унинг хизмат вазифасига қурилишнинг бош режалар билан ишлаш, шаҳарнинг архитектура сиёсатини юритиш, лойиҳаларни архитектура қонунчилигига мослигини текшириб кўриш ва тасдиқлаш каби вазифалар кирганлигини, шаҳар Қурилиш бўлимида бошлиқ бўлиб ўтганидан сўнг Х.Рауповни шу ерда ишларга ёрдам бериб жамоатчи бўлиб юришини кўрганлигини, Х.Раупов у раҳбар бўлганидан сўнг, ишга кириш бўйича унга мурожаат қилганлигини аммо ҳужжатлари тўғри келмаганлиги сабабли уни ишга олмаганлигини, Х.Раупов томонидан унга тўғридан тўғри ҳужжатлар олиб келинмаганлигини, Х.Рауповнинг бирор ишга аралашиб ишларни ҳал қилиб беришни сўраган ҳолатларидан хабари бўлмаганлигини, Х.Раупов Қурилиш бўлимининг Архив хонасига келиб ўтирганлигини, 2020 йилнинг февраль ойида бегона одамни ишхонага кириб чиқишидан муаммо бўлганлиги ва Қарши шаҳар ҳокими шу масала юзасидан огоҳлантирганлиги сабабли, Х.Рауповни идорага киришини тақиқлаб қўйганлигини, шундан сўнг, ҳам



Х.Раупов иш хонага кириб чиқиб юрганлигини кўрганлигини, Х.Рауповни бирор шахсни ер майдони олиш ҳақидаги қарорини чиқартириб бериш ёки комиссиянинг хулосасига имзолар қўйдириб бериш эвазига пул талаб қилаётганидан хабари бўлмаганлигини билдирган кўрсатуви;

бундан ташқари, судланувчи Х.Рауповнинг айби:

-сўзлашувларни эшитиб кўриш баённомалари (и.в 5-7, 11,20-23);

-овоз ёзиш мосламасини топшириш ва қайтариб олиш ҳақидаги баённомалар (и.в 8,10);

-судланувчи Х.Раупов томонидан жабрланувчи А.Раджабовга ёзиб берилган тилхат (и.в 19);

-судланувчи Х.Раупов томонидан ёзиб берилган ўз айбига иқрорлик аризаси (и.в 31);

-Қашқадарё вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлимининг 2020 йил 15 август кундаги экспертиза хулосаси (и.в 58-63);

-нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига кўшиб қўйиш тўғрисида қарор (и.в.249);

-тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг дастлабки терговдаги ва суддаги кўрсатувлари ҳамда сўроқ қилиш баённомалари билан ўз тасдиғини топади.

Суд, судланувчининг айб квалификациясини муҳокама қилиб, қўйидагича хулосага келишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарори 18-бандининг 3-хатбошисида, агар шахснинг қасди ўзганинг мулкани кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъи назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, кўп (жуда кўп) миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Х.Раупов Қарши шаҳридаги “Орзу буюм бозори” рўпарасидан 0.04 гектар ер майдони ажратиб бериши эвазига А.Раджабовдан 10.000 АҚШ доллари беришни талаб қилиб келиб, пора беришга қизиқтириб, далолат қилиб, ўтказилган тадбир давомида ўзи талаб қилган 10000 АҚШ долларидан 4.500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ва ўзганинг кўп миқдордаги мулкани фирибгарлик йўли билан, пора беришга қизиқтириб, далолат қилиб, қўлга киритиш ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаган.

Бундан кўринадики, судланувчи Х.Раупов ўзганинг кўп миқдордаги мулкани пора беришга қизиқтириб, далолат қилиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилганлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Шунга кўра, суд судланувчи Х.Рауповнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва



28,211-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан Жиноят кодекси 25,168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 25,28,211-моддаси 2-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд, Х.Рауповага нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига қисман иқрор ва пушаймонлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, фирибгарлик жинояти учун моддий зарар йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, у бирон-бир жойда ишламаганлиги ва мансабдорлик субъекти ҳисобланмаслиги сабабли ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, уни муайян ҳуқуқдан маҳрум этмасдан модда санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодекси 25,28,211-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61,59-моддаларига асосан тайинланган жазоларини қисман қўшиш йўли узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияда ўтатиришни белгилашни, жазо муддати бошланишини у ушланган кундан, яъни 2020 йил 7 август кунидан бошлаб ҳисоблашни, Х.Рауповга қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Шунингдек суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил - тадбирда фойдаланилган 4500 АҚШ доллари Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Қашқадарё вилоят бошқармасига тилхат орқали қайтарилганлигини қайд қилишни, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг ашёвий далиллар хонасида сақланаётган жами 15 та конвертда бўлган Х.Рауповнинг қўлларидан, кийимининг чўнтагидан олинган суртма намуналари, кимёвий ишлов беришда қўлланилган махсус қалам, кукун намуналари, тоза пахта намуналари, кимёвий ишлов беришда ва намуналар олишда ишлатилган резина қўлқопларни ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни, Х.Раупов томонидан тадбир давомида ёзилган тилхат ва пушаймонлик аризасини ҳамда Sony русумли видео камераси орқали ёзиб олинган ёзувлар туширилган DVD-R дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

## **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**Судланувчи Раупов Хамза Назарович (Raupov Hamza Nazarovich)**  
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси



3-қисмининг “а” банди ва 25,28,211-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Раупов Хамза Назаровичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

Судланувчи Раупов Хамза Назаровичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,28,211-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Раупов Хамза Назаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61,59-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларида ўтатирилсин. Жазони ўташ муддати 2020 йил 7 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Х.Рауповнинг қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жабрланувчи А.Ражабовнинг судланувчи Х.Рауповга нисбатан даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил - 15 та конвертда бўлган Х.Рауповнинг қўлларида, кийимининг чўнтагидан олинган суртма намуналари, кимёвий ишлов беришда қўлланилган махсус қалам, кукун намуналари, тоза пахта намуналари, кимёвий ишлов беришда ва намуналар олишда ишлатилган резина қўлқоплар ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил - Х.Раупов томонидан тадбир давомида ёзилган тилхат ва пушаймонлик аризаси ҳамда Sony русумли видео камераси орқали ёзиб олинган ёзувлар туширилган DVD-R диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ашёвий далил - тадбирда фойдаланилган 4500 АҚШ доллари Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Қашқадарё вилоят бошқармасига тилхат орқали қайтарилганлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья**

**Н.Ишмурадов**



